36 (470)
2005 йил 7 сентябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Нифоқда эмас, иттифоқдамиз!
▶ Норбой ота ниятига етди!

3 ▶ Учкўприкнинг Бешкапасида...
▶ Йўлтўсарларнинг "йўли" тўсилди

4 ▶ Жарқўрғон минораси тарихи...
▶ Ўзимизнинг иродали Иродамиз...

2006 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2005 йил 5 сентябрь куни Оқсаройда 2006 йил Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда ҳукумат аъзолари, республика марказий иқтисодий идоралари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этдилар.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 2006 йил мамлакат Давлат бюджетининг асосий параметрларини тайёрлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди.

Йиғилишда Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари ҳисобкитобини таъминлайдиган ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати, истеъмол нархлари индекси ҳамда бошқа кўрсаткичлар прогнозлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш жараёнида солиқларнинг айрим турлари ва солиқ тўловчиларнинг тоифалари бўйича ставкаларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда иқтисодиётга умумий солиқ юкини камайтирган ҳолда солиқларни йиғиш даражасини ошириш кўзда тутилади. Президент даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловлар ставкаларини, шунингдек, дивидендлар ва фоизларга солиқларни камайтириш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Йиғилишда бюджет жами харажатларининг ярмидан кўпроғини ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтириш тўғрисидаги таклифларни инобатга олган ҳолда, келгуси йил Давлат бюджети харажатларини молиялаш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан мелиорация ва сув хўжалигининг эксплуатация харажатларига, шаҳар, туман ва қишлоқларни ободонлаштиришга маблағ ажратиш бўйича ҳам махсус топшириқ берилди.

Йиғилишда Марказий банк эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини камайтириш, аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш ҳамда бўш маблағларни тижорат банклар депозитларига жалб қилиш бўйича амалий чоралар кўриш зарурлигига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасига 2006 йил Давлат бюджети лойиҳасини мазкур йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқиб, белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиш вазифаси юклатилди.

ЎзА

Футбол оламида

ҲАКАМ ВА ФИФАни КИМ ТУШУНАДИ?

Ўзбекистон ва Баҳрайн учрашуви натижаси бекор қилинди

2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг ҳал қилувчи даврида бутун дунёга тез ва кенг тарқалган можаро бугунги кунда нафақат футбол ишқибозларини, балки спортдан йироқ одамларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. 3 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон терма жамоаси Баҳрайн устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ва якшанба куни 7 сентябрь куни ўтказилиши белгиланган жавоб учрашувига тайёргарлик кўриш учун Манамага учиб кетди. Лекин биринчи ўйин натижаси ҳам бекор қилинди, жавоб учрашуви ҳам қолдирилди. Ҳаммасининг сабаби японялик Тошимицу Ёшиданинг хурмача қилиқларида. Тошкентдаги учрашувнинг 38 дақиқасида Максим Шацких боши билан зарба берганида тўп меҳмонлар дарвозасига бориб тушиши керак эди. Лекин баҳрайнлик ҳимоячи тўпни қўли билан қайтариб юборди. Учрашувни бошқариб борган ҳакам негадир аввал бурчак тўпи тепилишини кўрсатди?! ...Кейин эса11 метрлик жарима зарбаси белгилашга қарор қилди ва Сервер Жепаров ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, тўпни дарвоза тўрига йўллади. Ҳисоб 2:0 бўлиши лозим эди. Чунки ўйиннинг 12 дақиқасида Миржалол Қосимов жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқиб улгурган эди. Аммо, лекин, бироқ... Шундан кейин рўй берган воқеаларни деярли ҳеч ким тушунмади. Чунки ўзбекистонлик футболчилар зарба берилгунча жарима майдонига кириб, қоида бузган бўлишса, ҳакам тўпни яна 11 метрлик белгига ўрнатиши ҳамда янгидан зарба берилиши лозим эди. Ёшида аввал чиндан ҳам зарба такрорланиши кераклигини кўрсатди, кейин эса меҳмонлар ўйинчиларининг мурожаати ва ёрдамчисининг "тушунтириши" таъсирида баҳрайнликлар эркин зарба билан тўпни ўйинга киритиши кераклигини билдирди. Бунақаси ҳали футбол тарихида бўлмаган эди.

(Давоми 4-саҳифада)

— Яна нима дейди?
— Футболчиларимиз Баҳрайн билан Тошкентда қайта учрашармиш, — дейди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги маърузаси юртимизда демократик жамият қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган тадрижий тараққиётнинг янги даврини бошлаб берди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ ТАҲЛИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан «Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида» деб номланган китоб чоп этилди. Унда Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифалар атрофлича шарҳланган.

Шунингдек, академия томонидан аҳоли ўртасида миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойилларини тарғиб этишга қаратилган «Миллий истиқлол ғояси» туркумидаги 19 рисола ҳам нашр этилди. «Кучли давлатдан — кучли жамият сари», «Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг амалга оширилиши», «Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари: янгича ечим ва ёндашувлар», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт омили», «Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар», «Миллатлараро тотувлик — барқарорлик ва тараққиёт омили», «Солиқ ислоҳотлари: изчиллик ва тадрижийлик»...

Номларидан ҳам кўриниб турганидек, мазкур рисолаларда мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги билан боғлиқ энг долзарб мавзулар ҳақида батафсил фикр юритилган.

ЎзА

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Ўзтемирйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Шу йилнинг 5 сентябридан "Тошкент—Бухоро" тезюрар поезди йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

СУРАТДА: *"Шарқ" тезюрар поезднинг биринчи қатновидан лавҳа.*
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Виталий ТРЕТЬЯКОВ, сиёсатшунос

ЎЗБЕК ОМИЛИ

Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасида муҳим аҳамият касб этувчи мамлакатлардан бири. Сўнгги ойлар мобайнида собиқ Совет Иттифоқи ва Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлараро муносабатлар тизимида ҳамда шунга мос равишда Россия ташқи сиёсатининг мазкур йўналишларида Ўзбекистон омили жадал суръатлар билан олдинги ўринга чиқа бошлади.

Бу орада Тошкент Москвага нисбатан совуқ-нейтрал муносабатлардан чекиниб, у билан яқинлашиш сари юз бургани сари ғарб давлатлари томонидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий йўлини танқид қилиш ва Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга оид ҳаракатлар кучайиб бормоқда.

АЁЗДАН КЕЙИНГИ ИЛИҚЛИК

Шу ўринда ҳозирги Россия дуч келган ҳамда самарали ва муносиб жавоб топа олмаётган кўплаб муаммолар орасида энг ўткирларидан бири — СССР таркибида бўлган собиқ иттифоқдош республикалар билан ўзаро муносабатларнинг янги шаклини излаш билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш жоиз. Қайсидир маънода бу Россия ташқи сиёсати учун энг мураккаб муаммодир. Ахир мустақил давлат мақомини (Россиянинг ҳам кўмагида) олган собиқ Совет Иттифоқининг таркибий қисмлари бўлганлар билан ҳамжиҳатликда яшаш формуласини топиш Кремль ва Смоленск-Сенний майдонидагилар учун анчайин ўзига хос вазифа.

Ўзбекистон ҳам объектив, ҳам субъектив нуқтаи назардан собиқ советлар ҳудудидаги мутлақо ўзига хос мамлакати экани барчага аён. У билан наинки ҳамкорлик, балки иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш Россия учун бутун собиқ СССР ҳудудида устувор аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Айниқса, бу ҳозир, Квасьневский, Юшченко, Саакашвили, Адамкус ва уларга қўшилган жаноблар очиқ-ойдин Россияга қарши зарбдор сиёсий гуруҳ шакллантириш, МДҲни парчалаб ташлаш ва бунинг учун миннатдорчилик рамзи сифатида АҚШ ва Европа Иттифоқидан Россия стратегик ва тактик манфаатлари учун ҳаётий аҳамият касб этувчи катта майдонда ўша йирик "ўйинчи"ларнинг манфаатларини кўзлаб иш юритиш учун ижозат олиш илинжида юрган бир пайтда бу жуда муҳимдир.

Ўзбекистон анчагина вақт мобайнида Россиядан ўзини четга олиб келди ва ҳаттоки бир пайтлар Россияга қарши қарашлари билан маълум бўлган блок бўлмиш ГУУАМга ҳам аъзо бўлди.

Давоми 2-саҳифада

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИГА ҲИСОБОТ

Жорий йилнинг 5-6 сентябрь кунлари Бош прокуратуранинг тезкор-тергов гуруҳи Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлиснинг мустақил комиссиясига тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисида ахборот тақдим этди.

Маълумки, шу йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта моддий зарар етказилишига олиб келган қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Бу фожиали воқеалар бўйича тергов ишлари биринчи босқичда 15 нафар ўта фаол иштирокчига нисбатан якунланди ва жиноий иш материаллари Олий судга кўриб чиқиш учун топширилди.

Дастлабки тергов давомида исботланиши зарур бўлган шароитлар, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шартларга батафсил, ҳар томонлама, тўлиқ ва холис баҳо берилди. 2100 дан ортиқ экспертиза тайинланди ва ўтказилди.

Тергов давомида Андижондаги террорчилик ҳаракатлари ташқи бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатига, унинг миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган хуруж бўлиб, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш ва бу кучларнинг геосиёсий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ислом давлатини тузишга қаратилгани аниқланди.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТЎФОНДА ҚОЛГАН НУФУЗ

«Катрина» тўфони АҚШ учун 2001 йил 11 сентябр воқеалари каби даҳшатли синов бўлди. Тўфон келтириб чиқарган тошқин Луизиана, Миссисипи ва Алабама штатларига қаттиқ зарар етказди, юз минглаб квадрат километр майдонни сув босди.

Кузатувчилар бутун дунёга демократия ва инсонпарварлик намунаси сифатида ўрнак бўлиб келган АҚШдек мамлакатда табиий офат кунлари талон-тарож ва бошбошдоқлик авж олганидан, хукуматнинг фуқаролар хавфсизлигига ўз вақтида ва етарлича эътибор бермаганидан таажжубда.

«Нью-Орлеан таймс» газетасининг босмахонаси сув остида қолган. Уни хозир фақат интернет орқали ўқиш мумкин. «Тўфоннинг яқинлашиб келаётгани ҳаммага маълум бўлган эса, одамлар қурбон бўлишига йўл қўймаслик чоралари кўрилганмиди-йўқми, деган саволни бемалол ўртага қўйиш мумкин» деб ёзади бу нашр. Германиянинг «Шпигел» журналида бошқа бир мулоҳаза бор: «2001 йил бошида Фавқулодда вазиятлар бўйича федерал агентлик ҳисобот эълон қилиб, АҚШда юз бериш эҳтимоли кучли бўлган уч йирик фалокатдан бири Нью-Йоркдаги фожеа, иккинчиси эса Нью-Орлеанни ўз домига тортадиган тўфон эканлигини билдирган эди. Лекин 2003 йилга келиб, мазкур агентликни молиялаштириш тўхтатилди ва маблағ Ироқдаги урушга йўналтирилди».

Мутахассислар тўфоннинг барча оқибатларини аввалдан айтган бўлишига қарамай, хукумат тегишли даражада хозирлик кўрмагани америкаликларни ҳайратга солмоқда. «Би-Би-Си» америкалик хукуқ химоячиси Жесси Жексоннинг қуйидаги гапларини келтиради: «Биз миллий гвардиямизни, вертолётларимизни, захираларимизни хавфсизликни таъминлаш ва демократия ўрнатиш учун Бағдодга жўнатибмизу Нью-Орлеан аҳлини ожизликда қолдирибмиз».

Ёрдамга келаётган вертолётлар ердан ўққа тутилиши, офатдан қочаётган оломон миллий гвардия аскарлари тўсиғини ёриб ўтиши, сув босган кўчаларда мурдаларнинг сузиб юриши... «Бу Ироқ ё Сомали эмас, бу бизнинг мамлакат», дейди «Эн-Би-Си» мухбири. Саросимага тушган қутқарувчилар орасида ўз жонига қасд қилганлар ҳам бор.

Мамлакат президенти Жорж Буш кулфат содир бўлганидан сўнг орадан бир неча кун ўтгач харобага айланган шаҳарга келгани ҳам аҳолининг норозиликларига сабаб бўлди. Президент хукумат ҳалокат оқибатларини бартараф этиш борасида хатога йўл қўйганини тан олди ва энди вазият яхшиланаётганини айтди. У қурбонлар хотираси учун 20 сентябргача барча давлат идораларида байроқларни тушириб қўйишга кўрсатма берди. Конгресс 10,5 миллиард доллар ажратди. Табиий офат зонасига қўшимча 7 минг ҳарбий жўнатилди.

Лекин булар кеч, жуда кеч кўрилган тадбирлар эди. Ўтган кунлар мобайнида болалар ва қарияларнинг кўпчилиги азобларга дош беролмай, ҳаёт билан видолашди. 42 ёшли Лерой Фучеа «Би-Би-Си» мухбирига икки гўдакнинг нобуд бўлганини сўзлаб берар экан, аянч билан «улар шу ерда, Америкада, бир парча нонга зор бўлиб жон берди», дейди.

Нью Орлеандаги «Супердоум» ёпиқ стадионида жон сақлаётган 20 минг киши ҳамда «Конвеншнл-центр»даги қарийб 25 минг киши дам олиш кунлари эвакуация қилинди. Улар бир неча кун давомида ўта оғир шароитда кун кечирди. Кўплаб одамлар ўша ернинг ўзида очлик, турли тўқнашувлар, қотиллик ва эўравонликлар натижасида ҳаётдан кўз юмди.

«Катрина» қурбонлари сони ҳақида хозир аниқ маълумот йўқ. Аммо Луизиана губернатори Кэтлин Бланко ҳисоб юзлар эмас, мингларга етишини айтди. Унинг фикрича, қурбонлар орасида тўфон пайти ҳаётдан кўз юмганлар озчиликни ташкил қилган. Кўпчилик шаҳар иркит кўлга айланганидан кейин, сувсизлик, очлик, иложсизликдан, саросима ва вахима оқибатида, турли юқумли касалликларнинг авж олиши туфайли вафот этган, жиноятлар қурбони бўлган.

Нью-Орлеан ва Мексика кўрфази соҳилидаги бошқа шаҳарларни тиклаш учун кўп йиллар, анча маблағ ва куч керак бўлади. Фавқулодда вазиятлар бўйича федерал агентлик ходими Дэн Крейг Нью-Орлеан фақат бир йилдан кейин қайта қурила бошлашини айтди. Чунки денгиз сатҳидан паст бўлган шаҳардан сувни ҳайдаб чиқариш учун ярим йил керак экан. Шаҳар батамом қуриши учун яна икки-уч ой кутишга тўғри келади. Шундан кейингина харобаларни тозалашга киришиш мумкин.

АҚШ нефтининг ярми ва газининг ҳам қарийб шунча қисми Мексика кўрфазидан олинар эди. Хозир бу ерда иш тўхтаган. Оқибатда танкислик юзага келиб, ёнилғи нархи кескин ошиб кетган. Бу дўконлардаги махсулотлар баҳосига ҳам таъсир эта бошлаган. Кемалар ва самолётларнинг қатнови қийинлашиб колди. Айниқса, суғурта компанияларининг аҳволи оғир. Тўфон талафотлари учун 15-30 миллиард доллар товон тўланиши айтилмоқда. Талафот кўлами тўла аниқланганидан кейин бу рақам анча ошиши тайин. Конгресс ажратган 10,5 миллиард доллар тўфон оқибатларини бартараф этиш учун урвоқ ҳам бўлмаслиги аниқ. Шу боис АҚШ бошқа мамлакатлардан ёрдам ола бошлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

ЎЗБЕК ОМИЛИ

Виталий ТРЕТЬЯКОВ,
сиёсатшунос

Аммо Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳатто Тошкент Вашингтон билан жуда илиқ муносабат ўрнатган даврда ҳам Россияга қарши сиёсат юргизмади. Рус тилига Ўзбекистонда ҳеч нарса таҳдид солмаяпти, русларнинг ўзларини ҳам ҳеч ким камситмаяпти. Ниҳоят, вазиятга қараб хулоса чиқарилса, Ўзбекистонда ҳукмрон сиёсий кучлар ғарбнинг фойдасини кўзлаб Россия билан азалий ришталарга етарли эътибор берилмагани на уларнинг ўзларига, на Ўзбекистонга 90-йилларнинг бошларида кутилган иқтисодий ва сиёсий наф келтирмаганини англаб етган кўринади.

Ғарб давлатлари томонидан қўллаб турилган "рангли" инқилоблар тўлқини, боз устига Андижондаги қуролли босқинчилик ҳамда ўзбек хукуматининг уни бостиришдаги хатти-ҳаракатларига ғарбда мутлақо тескари баҳо берилиши Ислом Каримов ва унинг атрофидагиларни Россия ва Хитой каби йирик давлатлар билан яхши муносабатлар хавфсизлик ва мамлакат яхлитлигининг ташқи кафолати бўла олишига узил-кесил ишонтирди.

Бу бугунги ўзбек омилининг субъектив жиҳати. Аммо Россия учун унинг объектив жиҳати ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ОСИЁ МАРКАЗИГА КАЛИТ

Ўзбекистон, ҳар томондан олиб қарагандаям Марказий Осиё минтақасида ҳал қилувчи ўрин тутадиган мамлакатлардан бири. У ҳудуди бўйича йирик давлатлардан бири, аҳолиси бўйича энг катта, табиий заҳираларга ўта бой. Ўзбекистон иқтисодиёти муттасил равишда ривожланиб бормоқда ва Россия иқтисодиётини тўлдириб бориш имконияти бор. Чинакам бой тарихга, шу жумладан, давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистон бутун дунё, қўшнилари ва Россия кўз ўнгида афсоналар тўқиб ёки ўзбек миллатчилиги ва русларга қарши сиёсати билан ўзига обрў орттиришга зор эмас. У жаҳон ва ўз навбатида минтақавий сиёсатнинг тўлақонли, миллий ёки давлатчилик нуқтаи назаридан беқусур субъектидир. Ўзбекистонни тўлиқ шаклланмаган давлатлар сирасига қўшиш мумкин эмас. Ушбу жиҳат Ўзбекистоннинг собиқ совет ҳудудида бошқалардан ажралиб турадиган хусусиятидир. Ўзбекистондаги сиёсий тузум (демократиянинг ғарбдаги андозаларидан узоқ, аммо Шарқ меъёрларига биноан олганда, бинойидай тузум) барқарор. Ўзбекистондаги сиёсий кучлар ҳамжиҳат, диний фанатизм дардига дучор бўлмаган. Аксинча, уларнинг бағрикенглиги эътиборга лойиқ ва диний экстремизм хавфи, биринчи навбатда Ўзбекистоннинг ўзига таҳдид солишини жуда яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам онгли равишда, улар собиқдамлик билан (ва жуда кескин тарзда) унинг тарқалишига қаршилик кўрсатишмоқда.

Боз устига, ўзбекларнинг кўзга кўринган вакиллари, ҳар ҳолда пойтахт ва бошқа йирик шаҳарлардагилари, ўта европалашган (ва, дарвоқе, рус тилини яхши билишади).

Ўзбекистон Куролли кучлари қудратли ва мутахассисларнинг баҳолашича, Марказий Осиёда энг яхши тайёргарликка эга.

Тарихий ва табиий хусусиятлари билан бир қаторда бу мамлакатнинг Совет Иттифоқи таркибида бўлган даврида орттирилган ўзига хос жиҳатлари йиғиндиси Ўзбекистоннинг бир томондан, Марказий Осиё минтақаси учун бетакрор эканлигини, бошқа томондан, дунёдаги энг йирик давлатларнинг хизматкори эмас, иттифоқдоши бўла оладиган (собиқ совет ҳудудидаги кўплаб бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ) мамлакат эканлигини тасдиқлайди.

Хулласи калом, Ислом Каримов сиёсий стратегиясига ғарбнинг кўплаб ҳамлалари бўлишига қарамай, Ўзбекистон ўзининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлашга эришмоқда.

ЮГУРДАК ЭМАС, ИТТИФОҚЧИ

Ва биз шу ўринда ўзбек омилининг Россия учун муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Россияга Марказий Осиёда — ўзи учун ҳаётий аҳамият касб этувчи ушбу азалий ҳудудда айнан шундай, имкон қадар мустақил ва айни пайтда Россияга қарши иллатларга чалинмаган иттифоқчи зарур. Қизиғи шундаки, бу борада Ўзбекистон ва Россия умумий чегараларга эга эмаслиги қўл келади, бизнинг бир-биримизга ҳеч қандай ҳудудий даъволаримиз йўқ. Боз устига, эртами-кечми, келажакда Россия атрофида шаклланадиган Россия (ёки Шарқий Европа) иттифоқ давлатига Ўзбекистон кириши шарт қилиб қўйилмайди. Бу нарса бизнинг муносабатларимизда давлатлараро амалий интеграция ва чинакам мустақил иттифоқчиликка халал бериши мумкин бўлган Москванинг муболағали неоимпериализмига ўрин қолдирмайди. Ўзбекистондаги етакчи сиёсий кучлар бу борада хавотирга тушишлари учун асос йўқ. Ва улар ўзларига ҳамда ғарбга руслардан яхшироқ эканликларини, русларга қўйиб берса (айниқса демократия орқали), ўзларини қул қилиб олишларини муттасил исботлашга уринаётган украиналиклардан фарқли равишда, Россия билан иттифоқда ўз истиқболлари учун хотиржам бўлишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг салоҳияти, унинг чинакам мустақил эканлиги ҳамда асосий ва етакчи сиёсий кучларининг сиёсий аҳиллиги Тошкентнинг Вашингтон олдига амалда биринчи бўлиб муайян ва аниқ тарзда Афғонистонда аксилтолиб операциясини ўтказиш учун вақтинчалик фойдаланиш учун берилган Хонободдаги базадан Америка ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетиш масаласини кўндаланг қўйишига имкон яратди. Тўғри, бундан аввалроқ Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти(ШҲТ)нинг шу хусусдаги декларацияси қабул қилинди. Аммо у ШҲТнинг Хитой ва Россия каби аъзоларининг сиёсий мавқеи билан мустаҳкамланган жамоавий баёноти бўлиб, ушбу ҳужжатга имзо чеккан алоҳида мамлакатларни масъулиятдан халос қиларди. Аммо ўшангача ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон америкаликларга ўзининг суверен ҳуқуқлари хусусида якка ўзи ва баралла мурожаат қилишдан асло чўчимади. Масалан, кичик Қирғизистон бунга журъат этолмади.

Тўғри, биз, россияликлар, МДҲ мамлакатлари етакчилари Москва билан Вашингтон ўртасида бир неча марта у ёқдан бу ёққа ўтганларини кузатганмиз. Бироқ бу сафар, кузатишимизча, Тошкент узил-кесил қарорга келганга ўхшайди. Ва бу аслида ҳам тўғри қарордир. Ҳар ҳолда, қалтис вазиятда биз бугуннинг ўзидаёқ Киевга нисбатан Ўзбекистонга кўпроқ таянишимиз мумкинлиги аниқ. Бу шунчаки хулосалар эмас. Улар менинг яқинда Ўзбекистонда бўлган вақтимда олган таассуротларим, Ислом Каримов билан батафсил суҳбатимиз ва кўплаб бошқа ўзбекистонлик етакчи раҳбарлар билан учрашувлар натижасига асосланган.

Ўзбекистон билан иттифоқчилик Россиянинг Марказий Осиёдаги мавқеини сақлаш ва бу мавқенинг табиий ҳолатини қайта тиклаш имконини беради. Бугун биз учун ўзбек омилининг аҳамияти ана шунда. Эртага ҳам у шунчалик муҳим бўлиб қолаверади.

"КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА" газетасининг 2005 йил 1 сентябрь сонидан.

Эътибор ва эътироф

Сурхондарё вилояти

ИСТИҚЛОЛИМ, ЎЗИНГГА ШУКР!

— дейди сурхондарёлик Қурбон ота Муродов

Хабарингиз бор, юртимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган 14 нафар юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар "Шуҳрат" медали билан мукофотланган эди.

Улар орасида Жарқўрғон туманидаги Сурхон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Имомназар Тўронов номли маҳаллада истиқомат қилаётган Қурбон ота Муродов ҳам бор. Пиру бадавлат отахон табаррук бир юз беш ёшда. Яқинда мухбиримиз ана шу қариянинг ибратли турмуш тарзи билан танишиш, пурҳикмат суҳбатини олиш мақсадида унинг хонадонида бўлди.

— Асли тоқчиман, — дейди Қурбон ота салмоқлаб сўз бошларкан. — Тоқчи дегани бизда тоғлик дегани, ўғлим. Минг тўққиз юзинчи йили Бойсуннинг кичкинагина Қизилнавр тоғ қишлоғида туғилганман. Қишлоғимиз туман марказидан етмиш-саксон километр узоқликдаги Муборли, Ўрикли, Мачай тоғлари оралиғида жойлашган. Биласиз, тоғликлар асосан чорвачилик билан шуғулланишади, лалми ерларда ғалла етиштириб, тирикчилик қилишади. Эсимни танигач, мен ҳам аждодлардан мерос бўлиб келаётган чўпонлик таёғини қўлимга олдим. Яйлов кезиб, мол боқдим. Тоғ шароитида турмуш қийин кечгач, бир минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йили чўлга эндик. Жарқўрғон туманининг Сурхон қишлоғида макон қурдик. Деҳқончиликда иш бошладик. Ерга чигит қадаб пахта етиштира бошладик. Барча ишни қўлда бажарардик. Қўш хўккиз ҳайдаб, ер ағдарганмиз, мола босганмиз, кетмон билан эгат очиб, чигит экканмиз. Экинга ишлов берганмиз. Мен сувчи эдим. Кунда ҳам, тунда ҳам эгатларга сув тараб, экинни яшнатардим. Энди дастурхонимизга файз-барака энганда, армияга чақирилдим. Кетмон ўрнида қўлимга қурол тутқазишди. Финландия урушига кирдим. Жангу жадалларда қатнашдим. Орадан кўп ўтмай, Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Босқинчилар билан кечган жанглар даҳшатли тус олди. Ариқ бўлиб қон оққанлигини ўз кўзим билан кўрдим. 317-ўқчи двизия таркибида Москва, Харьков, Киев, Польша ерларини фашистлардан ҳимоя қилиб, Берлингача бордим. Ғалабани Берлинда нишонладик. Кўксим жанговор орден ва медалларга тўла қишлоққа қайтдим. Орадан кўп ўтмай, яна қадрдон даламга йўл олдим. Шижоатли меҳнат бошланди. Ишладим. Сувчиликнинг ҳадисини олдим. Мен суғорган далаларнинг гектаридан 40-45 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта териб олинарди. Хирмон юксалгач, даромад ҳам шунга яраша мўл бўларди. Бу орада аёлим Сунбула Муродова билан беш ўғил, беш қиз кўрдик. Яратган эгам уларни ризқу насибаси билан берган экан. Барини ўқитдик. Уйли-жойли қилдик. Яхши кунларни кўп кўрдим. Ниятларим амалга ошди. Мустақиллик деган дориломон кунларга ҳам етдим. Президент Ислом Каримов меҳри дарё инсон экан. Қаранг, биз кексаларни ҳам унутмаяпти. Минг қуллуқ, Юртбошимизга.

Мен бу хушхабарни туманимиз ҳокими Норбой ҳожи Шомуродовдан эшитдим. Тонг саҳар кўча эшигимни қоқиб уйимга ҳоким келибди. Мени мукофот билан табриклади. Хурсанд қилди. Унга "Юртбошимизнинг атрофига маҳкам жипслашинглар, болам. Кўп яхшиликларга эришасизлар", дея дуо қилдим. Бор гап шу. Зеро элини эъзозлаган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Суҳбатни Омон ШУКУРОВ ёзиб олди.

Тошкент шаҳри

ГУЛИСТОННИНГ ГУЛДЕК ГУЗАРИ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги нишонланаётган кунларда Мирзо Улуғбек туманидаги Гулистон маҳалласи фуқаролари ўз маҳалла гузарларига эга бўлдилар. Гузар туман ҳокимияти бош-қошлигида маҳалла аҳлининг кучи ҳамда тумандаги ҳомий ташкилотлар, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг беминнат ёрдами эвазига қуриб битказилди.

— Бу каби гузарларни яна 12 та маҳаллада қуриб битказишни кўзда тутганмиз, — дейди гузарнинг очилиш маросимида туман ҳокими Шавкат Эргашев. — Бунда шубҳасиз, ҳар бир маҳалланинг ўз ташаббуси катта аҳамиятга эга бўлади.

СУРАТДА: *гузар кўриниши.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИГА ҲИСОБОТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мазкур жиноий иш юзасидан олиб борилган тергов буни тўлиқ тасдиқлади.

2004 йил август ойидан бошлаб бу бузғунчи кучлар «Туркистон исломий ҳаракати», «Ҳизб-ут-Таҳрир» ва унинг оқимларидан бири бўлган — «Акромийлар» халқаро-террорчилик ва диний-экстремистик ташкилотларини жалб қилган ҳолда, 2005 йил май ойида ҳокимиятни эгаллаш ва конституциявий тузумни ағдариш мақсадида Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган.

Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш бўйича сценарий ва батафсил режа пухта ишлаб чиқилган. Жумладан, қуролли гуруҳларни тузиш, уларни жанговар тайёргарликдан ўтказиш, қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлаш, ҳужум уюштириладиган объектларни, хусусан ҳарбий қисмлар ҳамда ҳарбийлашган тузилмалар бўлинмалари, уларнинг қурол-аслаҳа омборларини аниқлаш ва разведка қилиш олдиндан режалаштирилган.

Терговда исботландики, «сценарийчилар» террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик жойи сифатида Қирғизистоннинг жанубий вилоятларини танлаган, у ерда жорий йилнинг январидан апрелигача хорижий инструкторлар 70 нафарга яқин диний экстремистга қўпорувчилик-террорчилик усулларини ўргатган.

Андижонда ҳокимиятни зудлик билан эгаллаш мақсадида ҳар бирида 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та ҳужум гуруҳи тузилган. Бу гуруҳларнинг бошлиқлари ҳужум уюштириладиган объектларнинг схемаларини батафсил ўрганган, зарур қурол-аслаҳа, портловчи модда ва ўқ-дориларни олдиндан тайёрлаб қўйган.

12 майдан 13 майга ўтар кечаси Қирғизистон фуқароларидан тайёрланган ва қуролланган 60 нафар жангари Ўзбекистон ҳудудига бостириб кирган ва террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этган.

Террорчилик ҳуружи билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган.

Террорчилик ҳаракатлари билан бир қаторда аҳолининг гўёки «тинч намойиши»ни уюштириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари иложи борича кўпроқ одамларни кўчага чиқаришга, безори жиноий унсурларга, аввало, ўзлари қамоқдан чиқариб юборган ўта хавфли жиноятчиларга Андижон шаҳри кўчаларида хунрезлик, қирғин, талон-тарож қилиш, ўт қўйиш учун шароит ва имкон яратиш, бир сўз билан айтганда, «олов ва тутун қанча кўп чиқса, оммавий ғалаён, қўзғолон кўтарган халқ намойиши шунча яққолроқ кўзга ташланади» қабилида аёвсиз тўс-тўполон уюштиришни мўлжаллаган.

Мазкур ҳаракатлар «сценарийчилари» гўёки «норозиаҳоли» томонидан эгалланган ва уларга қарши ҳукумат қўшинлари жанговар ҳаракатлар олиб бораётган шаҳар қиёфасини яратишни кўзлаган. Уларнинг режасига кўра, ҳамма жойда ҳозиру нозир бўладиган «гуманитар» «ҳария» деб аталмиш халқаро ташкилотлар пайдо бўлиб, уларнинг тили билан айтганда, «тинч аҳоли қирғини»ни тўхтатишни талаб қилиши керак эди.

Воқеаларни айнан шу тарзда ёритиш уларнинг назорати остида бўлган оммавий ахборот воситалари зиммасида бўлган.

Шу мақсадда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор хорижий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл хайрия жамиятларининг олдиндан хабардор қилинган вакиллари ҳали воқеалар бошланмасидан аввал 9, 10 май кунлари, кўпчилиги эса май ойининг биринчи кунларидаёқ Андижонга чегарадош ҳудудлар — Ўш, Аравон, Қорасув, Жалолободда тўплана бошлаган.

Улар бу минтақага келиб, Андижонда режалаштирилган портлашни қайд этиш ва ҳукумат ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти тўғрисидаги туҳмат-бўҳтонларни тарқатиш учун воқеалар бошланишини кутган.

Террорчиларнинг устав талабларини бузган баъзи милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг заифлиги ва масъулиятсизлигини ҳисобга олгани ҳам маълум даражада қўл келган. Оқибатда террорчилар катта миқдорда ўқотар қурол-аслаҳаларни қўлга киритган.

Ўзларига ишониб топширилган объектларни қўриқлаш борасида хизмат вазифаларини бажаришга жиноятқорона масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ҳамда босқинчиларнинг ҳужумига етарлича қаршилик кўрсатмаган 25 нафар ички ишлар органлари мансабдор шахслари ва ҳарбий хизматчига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов қилинмоқда.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида жами 187 киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч аҳоли бўлиб, уларнинг иккитаси вояга етмаган бола ва биттаси аёлдир. Террорчилар томонидан 31 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ва ҳарбий хизматчи ўлдирилган.

287 киши турли даражадаги тан жароҳати олган, уларнинг 91 нафари тинч фуқаро, 49 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими ва 59 нафари ҳарбий хизматчи. Террорчиларга қарши кўрилган тадбирлар давомида 94 террорчи йўқ қилинган, 76 нафари яраланган.

Террорчилик ҳаракатлари давомида жиноятчилар 70 кишини гаровга олиб, улардан 15 нафарини ваҳшиёна ўлдирган.

Террорчилар томонидан эгалланган 334 дона ўқотар қуролдан 255 таси, шу жумладан 180 та автомат, 59 та пистолет, 11 та милтиқ, 4 та пулемёт, 1 та гранатомёт қайтарилди.

Бундан ташқари, террорчилар Қирғизистондан олиб ўтган 16 дона ўқотар қурол ҳам олинган. Уларнинг орасида рақамлари ўчирилган 7 та Калашников автомати ва 2 та снайпер милтиғи, АҚШда ишлаб чиқарилган AR-15 ярим автоматик милтиқ бор.

Қамоқдан ноқонуний чиқариб юборилган 527 шахснинг 496 нафари қайтарилди, террорчилик ҳаракатларида иштирок этган 6 нафари ўлдирилди, қолган 25 кишига нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда террорчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган қолган 106 нафар айбланувчига нисбатан тергов якунланиш арафасида.

Олий Мажлис комиссияси аъзолари ҳисобот якуни бўйича Бош прокуратура тезкор-тергов гуруҳига кўплаб саволлар берди. Чунончи, содир этилган жиноятларда бузғунчи кучларнинг иштироки, Андижон шаҳрида театр ва кинотеатрга ўт қўйилишини уюштирган, бошқа жиноий ҳаракатларни содир этган шахслар ҳамда террорчилик ҳаракатлари ташқи кучлар томонидан молиялаштирилганини исботловчи далиллар ва бу маблағларнинг сарфланиши, ўз хизмат вазифаларига жиноятқорона масъулиятсизлик билан ёндашган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақидаги ва бошқа саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

Сурхондарё вилояти

Маҳаллада ташаббус

ЧЎМИЧЛИда БУНЁДКОРЛИК

Шероботнинг айланма йўллари бизни Чўмичли маҳалласи билан боғлайди. Бугун маҳалла идорасида хийлагина одам тўпланган. Тадбиркорларнинг таклиф этилгани хайрли бир ишни амалга ошириш, маслаҳатни ниҳоясига етказишдан дарак беради. Айнан маҳаллада бунёд этилажак гузар анчайин муаммоларни ҳал этиши аниқ. Фақатгина гузарда яна қандай қўшимча хизмат турларини йўлга қўйиш, жиҳозлаш юмушларига ҳомийлик қилиш маслаҳати бўляпти.

Ниҳоят, маҳалладошлар бир битимга келишди. 19 хонадан иборат маҳалла гузарида савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларидан ташқари яна пойафзал тузатиш, дурадгорлик устахоналари, ветеринария пунктини ташкил этиш режалаштирилди.

Маслаҳатли тўйнинг оши ширин бўлади. Чўмичли маҳалласида бошланган ҳар қандай тадбир, ҳар бир хайрли иш ўзаро келишув асосида амалга оширилади. Маҳалла раиси Йўлдош Чоршанбиев меҳнатда тобланган инсон. Олий маълумотли иқтисодчи. 2000 йилдан буён маҳаллага оқсоқол. 3001 нафар фуқаронинг, 700 оиланинг қувонч ва ташвишларига шерик. Маҳалла котиби Санобар Маматқулова, посбон Раҳмон Худойбердиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Салима Алиева оқсоқолга мададкор. Барча юмушларнинг жонкуяр ижрочилари ҳам шулар.

Маҳаллада мавжуд мактаблар, тиббий шифохона, 2 та увадани қайта ишлаш, шолини тозалаш цехлари, 10 та савдо дўконидаги фаолият доимо улар назоратида. Маҳаллада тўйлар кўп бўлади. Уларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш оқсоқол ва унинг атрофидаги фаолларга боғлиқ. Маҳаллада эса пиру бадавлат, уруш ва меҳнат фахрийлари анчагина. Кексалардан нима хизмат— уларнинг маслаҳати олтиндан ҳам қимматдир. Яхши инсонлар таклифи билан маҳалланинг 4 хонали идораси қайта таъмирланиб, бирданига дам оладиган чойхона ҳам бунёд этилгани хайрли иш бўлган экан. Бу ерда доимо кексаларни учратиш мумкин. Улар маслаҳатни ўртага ташлайдилар. Қари билганни пари билмас деганлари шу-да! Бундан ташқари Тўхта Шоймардонов, Муҳаммади Норманов, Эргаш Ашуров, Шуҳрат Турсунов сингари тадбиркорларнинг ҳар бир ишдаги ёрдамларини айтмайсизми. Айниқса, "Поён" фермер хўжалиги раиси Сайдулла Ражабов ҳиммати баланд инсон. У Қизириқ туман маиший хизмат кўрсатиш корхонасини бошқарар , 2000 йилдан фермерлик ҳаракатига қўшилган эди. Ишни "Исо Термизий" ширкат хўжалиги ҳудудидан 30 гектарлик ер ажратиб олишдан бошлади. 40 нафар маҳалладошларни ишга жалб этган ҳолда 16 гектар майдонни пахтазорга, 14 гектарни ғаллазорга айлантирди. 34 центнердан оқ олтин йиғиб олиш режаси 43 центнерга ошириб бажарилди. Шунинг ўзидан 2 млн. 600 минг сўм соф даромад кўрди. Бу йилги ғалла ҳосилдорлиги ҳам кўнгилдагидек. Оби ерлардаги ҳосил гектарига 55 центнерни ташкил этди. Шунинг ўзидан 2,5 миллион сўм даромад қилинди. Пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш уларнинг ахди. Чори Раҳматов, Шавкат Аллаёров, Амир Раҳматов, Рамазон Аллаёров сингари механизатор ва сувчилар меҳнати туфайли ана шундай юқори кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. Энг асосийси фермер хўжалигининг 30 фоиз соф даромади маҳаллани ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, газ қувурлари ўтказиш, гузар қурилишига сарфланмоқда. Кам таъминланган оилаларга 500 килограмм ғалла тарқатиб берилди. Мактабнинг битта синфхонасини таъмирлашда фермер хўжалиги раҳбарининг ҳиссаси катта.

Маҳалланинг яна бир таянчи — Исо Термизий ширкат хўжалигидир. Бошқарув раиси Тўра Шодиев саховатли, қўли очиқ ҳамда савобталаб инсон. У маҳалла ҳудудидаги 1 гектарга яқин ерни ободонлаштириш, гузар ташкил этишда асосий ҳисса қўшганлардан биридир. Қишлоқ йиғини, маҳаллаларга доимо ёрдам қўлини чўзади. Бундан ташқари оқсоқол Йўлдош Чоршанбиевнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳомийлар ёрдами туфайли 10 йилдан буён ишламай ётган болалар боғчаси қайта таъмирланди, ишга туширилди.

Аҳоли хонадонлари 100 фоиз газлаштирилган. Аммо ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд. Энди фуқаролар йиғини ходимлари, фаоллар асосий эътиборни шу масалага қаратишаяпти.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ

Фарғона вилояти

Фарғона водийсида Бешкапа деб аталадиган қишлоқ ва маҳаллалар кўп. Учкўприк туманидаги Бешкапа маҳалласи ҳам ана шулар сирасидан. Уни кўпчилик "Қамчили Бешкапа" деб ҳам аташади. Бунинг боиси деҳқончилик билан бирга отга ишқибозлик, эгар-жабдуқ, қамчи ясаш, арқон эшиш маҳалла аҳлининг севимли касби ҳисобланади.

УЧКЎПРИКнинг ҚАМЧИЛИ БЕШКАПАСИДА

Айтишларича, бу жойга бир вақтлар беш хонадон капа тикиб кўчиб келган ва хушҳаво, ери унумдор ҳудудда улар ўтроқлашган. Бора-бора уй-жойлар кўпайиб, Бешкапа қишлоғи пайдо бўлган.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси сони 2 минг 800 нафардан зиёд. Аҳолининг кўпчилиги ёшлар. Улар отаболаридан қолган касбу удумларни давом эттирибгина қолмай, уни бойитиб, такомиллаштириб бормоқдалар.

Жўрақўзи Ўлжабоев, Худойберди Ёқубовларнинг хонадонларида қамчи, эгар-жабдуқ ясаш отамерос удум. Соҳибжон Ҳайдаров хонадонида ҳам бир неча авлодлар оша от жиҳозлари ясаш анъана сифатида сақланиб келмоқда. Бахтиёржон Усмонов, Авазбек Маҳкамов, Солижон Жўраевларнинг хонадонларида ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик ҳунарлари қадр топган. Улар ясаган эшик-ром ва бошқа рўзғор буюмлари бежирим, пишиқ-пухталиги билан алоҳида ажралиб туради. Қишлоқнинг аксарият ёшлари бу ҳунарларни ўзлаштириб олишган. Наргиза Мамажонова, Ойхон Қўчқорова сингари таниқли чеварлар ҳам ҳар йили ўнлаб қизларни ҳунарли қилишади.

Маҳалладаги кўчалар қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётарди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда эътибор уларни ўнглашга қаратилди ва 10,5 километр масофадаги ички йўллар асфальт қилинди. Маҳаллани туман маркази билан боғловчи Ҳасанқора қишлоғи орқали ўтган икки километрга яқин йўл кенгайтирилди ва шағал ётқизилди, асфалтланди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳам ижобий ҳал қилинди. "Ғойиб эронлар" зиёратгоҳи ҳудудида 230 метр чуқурликда янги артизиан қудуғи қазилиб, тоза ичимлик суви чиқарилди.

Маҳаллада турли мусобақалар, хотира турнирлари мунтазам ўтказиб турилади. Маҳалла спортчилари эришаётган ютуқлар ҳам қувонарли. Жумладан, яқинда "Чимён" оромгоҳи мажмуасида ўтказилган вилоят мусобақасида маҳалланинг 27 нафар ёш спортчилари қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашди.

Ҳудуддаги хайрли ишларга кўпни кўрган, олий маълумотли, ширкат хўжалигида 40 йилдан ортиқ турли раҳбарлик вазифаларида ишлаган тадбиркор инсон Тўланбой Сатимов бош-қош бўлмоқда. Унга Ғозиғиждон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкатжон Раҳмонов, маҳалладаги "Нуроний" жамоатчилик маркази раиси Алижон Орипов, фахрийлар сардори Назарбой ота Рустамов ва бошқалар яқиндан ёрдам бермоқда.

Кейинги йилларда маҳалла ҳудудида оилавий ҳунармандлар ва тадбиркорлар сафи кенгайди. Ҳозирги кунда маҳалладаги ишга яроқли 905 нафар аҳолининг учдан бир қисми фермер бўлиб ишлайди. 55 фоиз аҳоли ҳунармандчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади. Ҳозир маҳалладаги 110 дан ортиқ оилада Нексия, Дамас, Тико ва бошқа русумдаги автомашиналар мавжуд.

Маҳаллага байрам ва тўйларда бориб қолсангиз, бу ердаги тўкин дастурхону меҳр-оқибатни кўриб яйраб кетасиз. Бу — тинчлик ва фаровонлик нишонаси.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

— Ҳар ким ўз юрти, ўз элини жон-дилдан суйса, элим деб, юртим деб ёниб яшаса, мустақил мамалакатимиз янада обод, гўзал, кўркам бўлиб бораверади, — дейди Шовот шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Ибодулла Болтаев. — Юртимизни гўзалликка буркаётганлар, турмушимизни тобора фаровон бўлиши учун курашаётганлар эса маҳаллаларимиз фарзандлари. Шаҳарчамизда тўрт минг ўттиз саккиз оила бағрида ўн етти ярим мингга яқин аҳоли яшайди. 390та корхона, 60та маиший, 90та савдо, 17та тиббий хизмат кўрсатиш шахобчалари бор. 285 нафар тадбиркор якка тартибда фаолият кўрсатяпти. Ишсизликни бартараф этиш асосий мақсадимиз.

ТАДБИРКОР ТАДБИРГА БОШ ҚЎШСА...

Бундан маҳалла ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлади

Чунки ҳар қандай ножўя ҳатти-ҳаракат ишсизликдан, бекорчиликдан келиб чиқади. Ҳар бир маҳаллада бунинг олдини олиш имкониятларини излаб топса бўлади. Бунинг учун ихлос, эътиқод, ҳафсала, жонкуярлик керак.

Фуқаролар йиғини таркибидаги Пахтакор маҳалласи оқсоқоли Пўлат Раҳимовда мана шу фазилатлар тўла мужассам эканига гувоҳ бўлдик. Уни маҳалла оқсоқоли қилиб сайлашганига кўп эмас — икки йил бўлибди. Бироқ Пўлат ака шу қисқа давр ичида кўплаб ибратли ишларни амалга ошишига бош-қош бўлиб, ташаббускор ва ташкилотчилик кўрсатибди. Оқсоқолнингш сайъ-ҳаракатлари билан маҳалладаги юзга яқин тадбиркорнинг боши бир ерга қовуштирилиб, уюшма ташкил этилган. Уларга барча ҳуқуқий имтиёзлар яратиб берилган. Тадбиркорлар ҳам ўз навбатида маҳалланинг обод, ораста, кўркам бўлишига ҳисса қўшяптилар. Тадбиркорлар уюшмасининг бевосита ёрдами билан маҳалла гузари қурилиб фойдаланишга топширилди. Моддий мададга муҳтож, кам таъминланган оилаларга, боғча-яслига хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Эгамберган Пирнафасов қўли гул дурадгор уста. Қиз узатаётган хонадон келиннинг сеплари солинадиган сандиқни Эгамберган акадан харид қилишса, янги фарзанд кўрганлар бешик сотиб олиш учун шу устанинг уйини сўраб келишади. Унинг умр йўлдоши Ўғилжон Абдуллаева эса чеварларнинг чевари.

Маҳалланинг яна бир тадбиркори Аҳмаджон Жуманиёзов қизи Динора, ўғли Беҳзод билан қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашади. Абдулла ака ўз оиласи аъзолари билан мебель ишлаб чиқарадиган цехда ишлаяптилар. Умиджон буғдойдан ун, шолидан гуруч чиқариб берадиган хорос қурди. Ҳа, оқсоқол Пўлат Раҳимов бошчилик қилаётган Тадбиркорлар уюшмасига аъзо бўлиб, фидоийлик кўрсатаётган бундай касб-кор эгалари сафи ошиб бораяти.

— Маҳалламизда 503 оила, уч мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди Пўлат Раҳимов. — Меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишини иш билан таъминлаш учун тадбирлар ишлаб чиқдик. Яқинда бўлган йиғилишда бир масалани ўртага ташладик: ҳар бир хонадаонда ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш имконияти бор. Парранда, қўй-қўзи, қорамол боқиладиган бўлса, бу оила дастурхонини тўкин қилишда, агар бозорга олиб чиқиб сотса, оила бюджетини мустаҳкамлашда ҳар жиҳатдан фойда бўлади. Бу ташаббус амалга ошди. Ҳар бир кўчада навбати билан рўйхатда белгиланган тартибда хонадонларда мол сўйилиб, гўшти шу кўча аҳолисига бозорга нисбатан арзон нархда сотилади. Парранда боқаётган хонадонлар ҳам ўзларини гўшт билан таъминлаш имконига эгалар. Озуқа, ем уюшмамизга бирлашган тадбиркорлар томонидан машиналарда уларнинг уйларига олиб келиб берилади. Узоқ йиллар ҳосилот бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада ўтирган Пўлат ота Рўзматов бўш турган бинони обод қилиб, шу ерда тўйхона ва чойхона қурди. Хусусий дорихона очган Эгамберган Раҳимов маҳалламиздаги ўн нафар фахрийларни доридармонлар билан бепул таъминлаб келяпти. Элюртга қайишган бундай яхши ниятли инсонлар кўп. Улар билан ҳали кўп ҳайрли ишларни амалга оширамиз.

Абдулла САФОЕВ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, хурсандчилик, тўю томоша устидан чиқасиз. Таомилга кўра бундай тадбирларда катта дошқозонларда палов дамланиб, халқимизнинг меҳмондўстлиги намунаси сифатида элга ош тортилади. Зеро бу халқимиз ҳаётидаги тўкинлик, турмушимиздаги фаровонлик нишонаси. Яқинда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида фаолият юритувчи "Ўткир" хусусий фирмаси мутасаддилари ҳам яхши ният билан катта байрам дастурхони тузаб, элга ош тортдилар. Ушбу тантанага тўрт нафар кам таъминланган оилалар фарзандларнинг никоҳ тўйлари уланиб кетди. Йиғилганлар тўкин дастурхон атрофида ҳам саховатпеша тадбиркорларнинг сахийликлари ҳақига дуо қилдилар, ҳам катта ҳаёт остонасида турган келин-қуёвлар истиқболи учун эзгу тилаклар билдирдилар.

Наманган вилояти

Жамоатчилик назорати: фаолият ва тажриба

КЎПнинг КЎЗИ НИ КЎРАДИ

Халқимизда "Кўпдан қуён қочиб қутулмас", "Кўпнинг кўзи кўпни кўради" деган нақллар бор. Яқинда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган республика семинарида муҳокама қилинган мавзулар хулосаси ана шундай нақллар мазмуни билан айнан ўхшаш бўлди.

Ҳа, бугун ҳар бир инсондан ҳаётга зийрак ва теран назар ташлаш, жамиятдаги ҳар бир ўзгаришнинг фаол кузатувчиси ва иштирокчиси бўлиш талаб этилади. Жойларда бу вазифани бажаришда ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускор бўлиши лозим. Яъни, ўзини ўзи бошқариш идоралари жамият, нодавлат ташкилотлар билан биргаликда жамоатчилик назоратини ташкил этишлари ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб, уларда ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан даъвогарлик ҳисларини шакллантиришлари зарур. Шу тарика одамларнинг ўзларига ишончи мустаҳкамланади ва улар ҳар қандай назоратдан жамоатчилик назорати кучли ва самарали эканлигини тушуниб етадилар.

Чуст туманида бу ибратли ишлар 2000 йилдаёқ бошланган. Тумандаги иккита қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўрамидаги 64 та маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли 94 та жамоатчилик назорати масканлари ишлаб турибди. Бу масканларда милиция таянч пункти вакиллари, профилактика инспекторлари, кўнгилли посбонлар иш олиб бораётирлар.

— Биз айниқса чегара ҳудудларида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 32 та жамоатчилик назорати масканлари ишини кучайтирмоқдамиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Мансурхон Иномхонов. — Ўтган давр мобайнида, масалан, Баймоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Шербилак, Варзик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қўрғон, Ғова қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Юқори маҳалла жамоатчилик назорати масканларида ҳеч қандай жамоат тартибини бузиш ҳоллари рўй бермади. Бу масканларнинг навбатчилари ҳар доимо чегарачилар билан ҳамкорликда, улар билан бамаслаҳат иш олиб бордилар.

Назорат масканлари фаолиятини яхшилаш учун ўз навбатида қулай иш шароити яратиш лозим. Ҳозир кунлар иссиқ, ёғинлар йўқ, эртага совуқ тушади, ёмғир-қор ёғади. Шунинг учун ҳам қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўша ҳудуддаги хўжаликлар ва фаоллар ёрдамида жамоатчилик назорати масканларининг ёғингарчилик ва совуқ пайтларда ишлашлари учун ҳашар йўли билан кичик бинолар қурилиб, улар электр қуввати билан таъминланмоқда.

Жамоатчилик назорати иштирокчилари ҳар бир маҳалладаги кўчабошилар билан ҳамкорликда иш олиб бораётирлар. Ҳар бир маҳаллада 8-10 тадан кўчабошилар бўлиб, улар назорат масканларига доимий равишда ахборот бериб турадилар, янгиликларни ўз фуқароларига етказадилар. Бу ишда тумандаги 200 дан ортиқ уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари фаол иштирок этмоқдалар.

— Андижонда содир этилган хунрезликлар ҳаммамизни яна ҳам зийрак бўлишга ундамоқда, — дейди суҳбатимиз сўнгида Мансурхон Иномхонов. — Буни туманимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро қалбдан ҳис қилиб турибди. Энди ортиқча хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, тинч ва осуда турмуш кечиришнинг талаби ҳам шундай.

У.САКСОНБОЕВ

Жиноят тафсифи

ҚОНЛИ ЛУҚМА

У жиноятчиларга "насиб этмади"

Улар такроран жиноятга қўл урган чоғларида қарамоғидаги жажжи фарзандлари тақдири, муштипар онаизорларининг аччиқ кўз ёшлари, эл-юрт олдида боши хам бўлган, падари бузрукворларининг умри заволи хусусида қайғурмадилар. Муқаддам судланиб, қилган қинғир ишлар жабрини тортган бўлсалар-да, ҳамон эгриликка мойиллиги баланд бу жиноятчилар фақат нафс амрига қулоқ тутишга одатландилар.

...Бу галги "ов" ҳам тунда бошланди. Уч нафар жиноий шериклар — Шерзод Эргашев, Ҳикмат Ўразбаков ҳамда Комил Содиқовлар ўзаро тил бириктириб Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги кўчалар кесишган айланма йўл бўйида учрашдилар. Уларнинг қармоғига осонгина илинган жабрдийда инсон "Тико" автомашинаси ҳайдовчиси Ишбай Мамадалиев бўлди. Жиноятчиларнинг ғаразли ниятидан бехабар бўлган ҳайдовчи 3 минг сўм эвазига уларни туманнинг Нишбош қишлоғига элтиб қўйишга рози бўлди. "Йўловчи"лардан бири — Шерзод Эргашев олди ўриндиққа, Ҳикмат ва Комиллар орқа ўриндиқларга жойлашдилар. Айтилган манзилга яқинлашганда Шерзод ҳайдовчидан ҳожатга чиқиш учун машинани тўхатишини сўради. Машина йўл четига тўхтади. Шерзод ташқарига чиқиб ён-атрофни кўздан кечирар экан, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шерикларига ишора қилди. Шунда автомашинанинг орқа ўриндиғидан жой олган Ҳикмат Ўразбаков ва Комил Содиқовлар ҳайдовчига нисбатан куч ишлатиб ундан машина бошқарувини топширишни талаб қилдилар. Қўркувдан талвасага тушган "Тико" бошқарувчиси Ишбай Мадалиев жиноятчилар амрига беихтиёр бўйсунди. Ш.Эргашев машина рулига ўтирди. К.Содиқов ва Ҳ.Ўразбаковлар эса И.Мадалиевни олди ён ўриндиққа ўтказишди. Шерзод машинани Нишбош қишлоғидан чамаси 4-5 километр ўтгач, йўл бўйида ўсган катта тут дарахти олдида тўхатди. Жиноятчилар Ишбай Мадалиевни сим билан дарахтга маҳкам боғладилар. Унинг чўнтагида бўлган ҳайдовчилик ва нафақа гувоҳномалари ҳамда 6 минг сўм миқдоридаги пулни зўрлик билан қўлга киритган жиноий шериклар машинани Ангрен шаҳридаги "Эксперементал" заводи ёнига олиб келдилар. Ундаги 100 минг сўмлик автомагнитолани ечиб олиб, уловни шу ерда қолдирдилар ва жуфтакни ростладилар.

Жиноятчилар наздида хамирдан қил суғургандек осон ва хавфсиз амалга ошган бу босқинчилик ва талончилик операцияси уларнинг навбатдаги жиноий хатти-ҳаракатларига катта туртки бўлди. Режага биноан бу галги "роль ижроси" ҳам олдинги сценарийнинг айнан такрори бўлиши керак эди. Келишилганидек, Шерзод Эргашев Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янги тўлқин" ширкат хўжалигида яшовчи қариндошиникига тўйга бориб келиш баҳонаси билан Ангрен деҳқон бозори олдида такси савдолашади. 13 минг сўмга йўловчи таклифини қабул қилган "Тико" ҳайдовчиси Бахтиёр Дадаматов кеч соат 20:30 ларда икки жиноятчи — Шерзод ва Ҳикмат билан йўлга чиқдилар. Йўлда Ҳикмат Ўразбаковнинг уйига пул олиш учун тўхташга ҳайдовчини кўндиришди. Ҳикмат Ўразбаков уйига кириб учинчи жиноий шериклари Комил Содиқов билан чиқди. Улар ўзлари билан олган пичоқ ва болтани ҳайдовчига сездирмай машина орқа ўриндиғи пастига қўйдилар. Шундан сўнг учовлон жиноятчилар Тўйтепа шаҳри "Кончи" ширкат хўжалиги ҳудудидаги дўконга кириб уч шиша ароқни бўшатишди. Ичкиликдан сўнг Шерзод, Ҳикмат ва Комил ўйлаган ёвуз ниятларини амалга ошириш учун ўзларини янада дадилроқ ҳис қила бошладилар. Улар ҳайдовчини алдаб Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудидаги пахтазор томонга олиб келадилар. Сўнгра олди ўриндиқда ўтирган Ҳикмат ҳайдовчи Бахтиёр Дадаматовнинг бўйнига пичоқ ўқталиб, машинани дарҳол тўхтатишни буюрди. Машина тўхтагач, орқа ўриндиқда ўтирган К.Содиқов ҳайдовчининг бош қисмига болта билан бир неча маротаба зарба беради. Шунда ҳайдовчи жиноятчилар чангалидан қутулиш мақсадида пахтазор ичига қочишга уринади. Бироқ Ш.Эргашев ва К.Содиқовлар Б.Дадаматовни қувлаб етиб уни ўлдиришга чоғланадилар. К.Содиқов болта билан, Ш.Эргашев катта тош билан ҳайдовчининг бош, пешона, юз, елка ҳамда тана қисмига кетма-кет кучли зарбалар беришади. Ҳ.Ўразбаков эса жабрланувчи баданининг турли жойларига пичоқ санчади. Кўп ўтмай Б.Дадаматов жон таслим қилади. Жиноятчилар мурдани машина ўриндиғи ёпинчиғига ўрайдилар ва юкхонага жойлаштириб, шу ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи ариққа ташлаб юборадилар. Шундан сўнг жиноячилар машинани ҳайдаб воқеа жойидан ғойиб бўлишади...

Ҳа, бу нақадар аянчли ҳолат. Бундай ваҳшийликни шунчаки хаёлда жонлантиришнинг ўзи киши қалбини титроққа солади, нафратлантиради... Бироқ кўзларига нафснинг қора пардаси тортилган, мол-дунё ҳирсидан сармаст бўлган уч нафар нобакорга бундай инсоний ҳислар мутлақо бегона бўлиши табиий. Қолаверса, бировнинг жони эвазига топилган ҳаром бойлик кимга ҳам вафо қиларкан?! Оналар кўз ёшию қарғиши, яқинлар изтиробию соғинчи, фарзандлар ноласию ўкинчи билан беланган қонли луқма томоқни йиртмайдими?! Ҳа, шундай бўлди. Жиноятчилар қилмиши кўп ўтмай фош бўлди. Улар қилмишига яраша узоқ йиллик маҳбусликка ҳукм қилинди. Бироқ кўзи тўймас жаллодларнинг қонли қўлларидан бегуноҳ ўлим топган аянчли қисмат эгаси умри бадалини нима билан қоплаб бўларкан энди?!

Абдусамат АБДУРАЗЗОҚОВ,
Тошкент вилояти прокурори ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

Олам турфа

ЯПОН ЭРКАКЛАРИ ФЕОДАЛМИ?

Маълумки, япон эркаклари ишбилармонлик соҳасида тенгсиз. Буни барча биласи. Бироқ оилавий муносабатларда...

Шунинг учун ҳам япон аёллари эрларининг айнан шу жиҳатларига "2" баҳо қўйганлар, дейиладиган АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва Овруподаги 9 давлатда савол-жавоб ўтказган Торонтодаги "Арлекин Энтерпрайз" ноширлик компанияси ўтказган тадқиқотда.Ҳақиқатан ҳам япон эркаклари аёлига меҳрмуҳаббат бобида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллаган. Греклар эса аксинча, ўз аёлига ўта меҳрли экан. Улар сўровда хотинларининг ташқи кийимларидан тортиб, ички кийимигача ва ҳатто сийнабанди ўлчамларигача ёддан айтиб беришолган. Оиладаги муҳим саналарни ёдда тутишини-ку, қўяверинг. Шунинг учун ҳам қойилмақом эр рутбасига фақат греклар сазовор бўлган. Дарвоқе, поляк аёллари ўз эрларига япон аёлларидан ҳам паст баҳо қўйишган. Бу эса япон эркакларини бироз юпатиши мумкин.

ТЕНГМА-ТЕНГ УРИШИШИ КЕРАК ЭМИШ

Ҳеч эшитганмисиз, аввалги замонларда ўзбек аёлларининг аксарияти юрак хуружидан вафот этганлигини? Бизнинг-ча, йўқ.

Ваҳоланки, ўша пайтларда аёл эрининг гапини қайириб ташлаши уёқда турсин, ҳатто унга тик боқмаган. Шундай бўлса-да, юрак касалликларига чалинишмаган. Бироқ Американинг Мичиган университети руҳиятшунослари гапига қараганда, оилада бўладиган жанжалларда аёлнинг индамаслиги, бор гапни ичига "ютиши" унинг ҳаёти учун зарар экан, яъни бундай вазиятда 11 фоиз аёл юрак хуружидан вафот этаркан. Шундай бўлмаслиги учун "айтишув"да эр билан аёл тенгма-тенг иштирок этиши лозим эмиш. Шунда аёллар юрак хуружидан камроқ талафот кўришармиш.

БИР БОҚИШДА СЕВА ОЛАСИЗМИ?

Бу саволга айримлар (айниқса, романтик ҳаёлдаги ўспиринлар) "Ҳа" деб жавоб беради, айримлар эса "Йўқ".

Бироқ немисларнинг кўпчилиги йигит ва қиз биринчи кўришдаёқ бир-бирини севиб қолишига қаттиқ ишонишади. Виккерт олийгоҳи ўтказган сўров натижалари худди шундай хулоса чиқаришга туртки берди. Олмониянинг 3 минг аҳолиси савол-жавобда қатнашган бўлса, шундан 76 фоизи юқоридаги саволга "Ҳа" деб жавоб берган.

Шуниси қизиқки, немис эркаклари аёлларига қараганда бир бокишдаги севги "гузоғи"га тез ва кўп илинишаркан. Масалан, сўралган эркакларнинг 84 фоизи худди шу ҳиссиётни бошидан кечирганлигини тан олган. Аёллар эса бир боқишда пайдо бўладиган севгининг яшовчанлигига ишончсизлик билан қарашади. Бироқ ҳар учдан иккиси барибир шундай севгининг "қурбони" бўлишади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Андижон маҳаллаларида

СПОРТ

МАҲАЛЛАДА ТУРНИР

Қўрғонтепа шаҳридаги Савай маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудидаги чойхонада ташкил этилган шахмат клубида шахмат турнири бўлиб ўтди.

Унда клубга доимий келиб турувчи ишқибозлар, туманнинг турли жойларидан 20 дан ортиқ шахматчилар иштирок этдилар. Финал беллашувларида ҳар бир гуруҳнинг ғолиби иштирок этди. Турнирнинг бош соврини Қўрғонтепа дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятининг ходими Адҳамжон Саттаровга насиб этди.

"МАҲАЛЛАМДАН ҒУРУРЛАНАМАН"

Балиқчи тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорликда ўтказган ана шу мавзудаги кўрик-танлов ниҳоясига етди.

— Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган бу тадбирда тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги 60 та маҳаллаларнинг жамоалари фаол иштирок этдилар — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Фарҳодбек Жамолов. — Биз асосий эътиборни танлов иштирокчиларининг ўз маҳалласи тарихи, миллий урф-одат ва анъаналарни нечоғлик билишига қаратдик. Маҳаллаларнинг жамоалари ўз ҳудудларида истиқлол йилларида юз берган қувончли ўзгаришлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилдилар.

Эшонқишлоқ маҳалласи фуқаролар йиғининнинг "Дўстлик" жамоаси кўрик-танлов шартларини аъло даражада уддалаб ғолиб бўлди. Жартепа маҳалласи фуқаролар йиғининнинг "Адолат" жамоаси иккинчи, Отчопар маҳалласи фуқаролар йиғининнинг "Тадбиркор аёл" жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга кўрик-танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Маслаҳатчи тажрибасидан

ФАОЛИЯТИМ — ФАХРИМ

— дейди хўжаободлик маслаҳатчи Раънохон Мадраҳимова

Раънохон опанинг "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови республика босқичи ғолиби бўлганлиги ҳақида Хўжаобод шаҳрининг каттаю кичиги "Mahalla" газетасининг навбатдаги сони орқали хабардор бўлдилар.

Ўзининг бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишланган, ўқитувчи, мактаб директори, халқ таълими бўлими услубчиси бўлиб меҳнат қилиб келган Раънохон опа пенсияга чиқиб, зерикиб қолгандай бўлди. Буни сезган маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари уни маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясига раисликка таклиф этдилар. Опа янги ишга астойдил киришиб кетди.

Орадан икки йил ўтиб, Гулистон маҳалласи хотин-қизларининг довруғи тумангагина эмас, бутун вилоятга таралди. Бу ерда хотин-қизлар ўртасида олиб борилган ишлар барчага намуна бўладиган даражада эди. Албатта бу ишларнинг бошида тажрибали педагог, ташаббускор аёл Раънохон Мадраҳимова турарди...

— Ўтган йилнинг августидан бошлаб жорий этилган маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси лавозимига биринчи номзод этиб Раънохонни танладик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Хўжаобод тумани бўлинмаси раиси Каримжон ака Усмонов. — У ўтган бир йил давомида жуда катта ишларни амалга ошириш билан бирга, туманимиздаги қирққа яқин маслаҳатчиларнинг бош маслаҳатчисига айланди. Шунинг учун Раънохоннинг маслаҳатчилар ўртасида ўтказилган Республика кўрик-танлови ғолиби деб топилишини унинг самарали меҳнатига муносиб баҳо десак бўлади.

Ўтган бир йил давомида маҳаллада иккита хусусий трикотаж, кўрпа-тўшак, ширин қаламчалар тайёрлаш цехлари иш бошлади, уларда олтмиш нафарга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди. Чегара туманларида аҳоли ижтимоий ҳимояси учун давлатимиз томонидан ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиб, 15 га яқин оила чорва ҳайвонларини парвариш қилишга киришдилар.

Маҳаллада тиббий маданиятни оширишга бағишланган ишлар соҳасида маслаҳатчининг иш тажрибаси вилоят семинари чоғида барча туманлардаги ҳамкасблари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Эгамова Гулистон маҳалласини вилоят бўйича шу соҳадаги услубий марказ бўлсин, деб таклиф қилди. Шу кунларда вилоятнинг турли жойларидан ҳар куни меҳмонлар келиб, маҳалла тажрибаси билан танишиб кетишмоқда.

Шер АЛИ

Авлодлар мероси

ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ

Тарихий ёзма манбалардан маълумки, миноралар Ислом дини юртимизга тарқалиши билан боғлиқ равишда қурилган. Ҳар бир катта ёки кичик масжид ёнида албатта минора қурилиб, ундан "Сўфи" беш вақт азон айтиб аҳли мусулмонни намозга чорлаган. Айрим ҳолларда эса миноралардан турли хил муҳим воқеалар тўғрисида яқин-атрофга хабар бериб турилган.



Шунингдек, миноралар махсус қоровулхоналар ҳам бўлган у ташқи душман пайдо бўлишини кузатадиган муҳим ҳарбий стратегик иншоот ҳам ҳисобланган. Яна бир муҳим томони миноралар савдо карвонларига йўл кўрсатадиган машъал маёқ вазифасини ҳам бажарган.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида жойлашган Жарқўрғон минораси 1108-1109 йилларда сарахслик уста Али ибн Муҳаммад томонидан бунёд этилган. Минора саккиз қиррали асос устига пишиқ ғиштдан мустаҳкам қилиб қурилган. Минора пастдан юқорига томон ингичкалаштириб қурилган. Жарқўрғон минораси 16 ғаровли ғишти панжарасимон шаклда безак берилиб, мавжли қилиб терилган, асос, ўрта қисми, юқори қисми ва мезанадан иборат бўлган. Минора ўрта асрга хос шарқ меъморчилигида муносиб ўрин эгаллайди. Баланд миноранинг қуббаси шаҳарга файз бахш этади. Ўша вақтларда сўфилар шу минора тепасидан туриб азон айтганлар. Минорадан атрофга ҳар-хил воқеалар тўғрисида дарак беришда ҳам фойдаланганлар. Минора ичига саккиз қиррали қилиб супача ўрнатилган.

Миноранинг пастки қисмидаги еттита қиррасига ғиштни ўйиб ёзув ёзилган бўлиб, саккизинчи қирра билан тўққизинчи қирра оралиғидаги йўл орқали миноранинг ичидаги айланма зинапояларга чиқилади.

Миноранинг сақланиб қолган ёзувларидан бирида шу минорани яратган меъморнинг исми, бунёд этилган йили кўрсатилган. Тарихий маълумотларга кўра, миноранинг дастлабки баландлиги 40 метрдан ортиқроқ бўлган.

Тадқиқотчиларнинг тахминларига кўра, Жарқўрғон минорасининг ҳозирги баландлиги 21,5 метрни ташкил этади. Унинг айланаси 17 метрни ташкил этади.

Жарқўрғон минораси жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи ҳамдир.

Бу минора чингизийлар, мустамлакачилар ҳужумини, шўро замони ҳукмдорларининг зулмини, табиий офатларни, кучли зилзилаларни ўз бошидан кечирди. Тарихий-меъморий меросимиз бўлган Жарқўрғон минорасига ўтган замонларда эътиборсизлик билан қаралди, таъмирланмади, маблағ ҳам ажратилмади. Бунинг натижасида миноранинг юқори қисми ва атрофлари емирилиб, вайрона ҳолатига келиб қолган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикамиздаги барча обидаларга, шу жумладан, Жарқўрғон минорасига ҳам эътибор ижобий томонга ўзгарди. Уни таъмирлаш ва тиклаш ишларига маблағ ажратилиб, минора деярли асл ҳолатига келтирилди, атрофлари тозаланиб, ободонлаштирилди.

Бугунги кунда Жарқўрғон минораси аждодларимиздан бизга меъморий мерос сифатида давлатимиз томонидан муҳофаза қилинмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент теннис марказида теннис бўйича Осиё чемпионати беллашувлари қизғин давом этмоқда. Мухлису мутахассисларда Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчиси Ирода Тўлаганованинг ўйини катта қизиқиш уйғотмоқда. Осиё чемпионатида дастлабки учрашувни ўтказган Ирода ҳиндистонлик Иша Лаханидан тажриба ва маҳорат бобида анча устун эканини исботлаб, рақибини 6:2, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди. У навбатдаги учрашувни филиппинлик Денис Дига қарши ўтказади.

СУРАТДА: *И.Тўлаганова*

Футбол оламида

ҲАКАМ ВА ФИФАни КИМ ТУШУНАДИ?

Ўзбекистон ва Баҳрайн учрашуви натижаси бекор қилинди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мен шу ўйинни телетомошабинлар учун шарҳлай туриб ҳам, майдондаги вазиятга тушунмадим ва кейин ҳам бир нечта спорт мутахассислари бу ҳолатни изоҳлай олмадилар. Учрашув охиригача ҳисоб ўзгармади ва футболчиларимиз ҳар ҳолда сафарга ғалаба билан кетадиган бўлишди. Ўйин тугагани заҳоти Ўзбекистон Футбол федерацияси мутасаддилари Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерациясига расмий раддия йўллашди.

Аслида бу раддияни ФИФА инобатга олишига кўпчилик ишонмади. Шунинг учун ҳам терма жамоамиз Манамага учиб кетди. Бугун қарангки, ҳакамнинг бу қарорига ФИФА мутасаддилари ҳам тушунмаяпти. Аммо уларнинг қарори ҳам деярли тушунарсиз бўлди: куни кеча ФИФА ҳузурида 2006 йилги жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитаси "Ўзбекистон томони мурожаати асосида" кўпчиликни лол қолдирган қарор қабул қилди: биринчи учрашув натижаси бекор қилинган ва ўйинлар 8 октябрда Ўзбекистонда, 12 октябрда Баҳрайнда ўтказилади деб белгиланган. Ҳакамлар кейинроқ тайинланади. Хуллас терма жамоамиз уйга эртароқ қайтди. Футболимиз мутасаддилари эса ўзларига нисбатан ноҳақ қарор чиқарилганини исботлашга уринишмоқда. Ўзбекистон Футбол федерацияси бўлим бошлиғи Алишер Никимбаевнинг эътироф этишича, "Агар Ёшида Ўзбекистондан иккинчи голни ўғирлаган бўлса, энди ФИФА биринчи голни ҳам тортиб олаяпти". Чунки вазиятни мантиқан таҳлил қиладиган бўлсак, учрашувни ўша пенальтидан киритилган гол ҳисобга олинмаган 38 дақиқадан давом эттириш адлолатдан бўларди. Нима бўлганда ҳам сўнгги пайтларда Ўзбекистонга халқаро майдонда эътибор ўзига хос эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Футболчиларимиз ўзларига нисбатан қўлланган ноҳақ усулларга ҳужумкор ва самарали ўйинлари билан жавоб бериб, ғанимларни ранжитадилар деган умиддамиз. Яна бир жиҳат, аслида япониялик ҳакам халқаро учрашувларни бошқариш тажрибасига эга эканлигини ва футбол қонун-қоидаларини яхши билиши шартлигини назарда тутсак, унинг Тошкентда учрашувдаги ўзини тутиши замирида қандайдир сир бор экан, деган савол ҳам ўз-ўзидан туғилади. Агар Ёшида қонун-қоидаларни билмаса, уни нима учун ҳал қилувчи учрашувни бошқариш учун тайинлашади? Чунки футбол қоидаларига "оғишмай амал қилувчи" ҳакам тўпни қўли билан қайтариб юборган ҳимоячини майдондан четлатиши керак эди-ку?! Шунингдек, Сервер Жепаров 11 метрлик белгига ўрнатилган тўпни тепаётганида қоида бузилган бўлсаагар тўп дарвозага бориб тушмаганида ҳам ҳакам зарбани такрорлашни талаб қилиши шарт эди.

Кейинги воқеалар қандай ривожланганини футбол мухлисларимиз яхши билишади. Хуллас футболчиларимизнинг нафақат текис майдонда, балки ўзларига қарши "тўсиқ"лар қўйилган майдонда тўп суриб, ўша тўсиқларни енгиб ўтишларига тўғри келяпти.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
спорт шарҳловчиси.

Ёнғиндан сақланайлик!

ЛОҚАЙДЛИК ФОЖЕАСИ

Бугун орамизда кимдир шунчаки ишқибозчилик учун, кимдир эски одат деб тамаки чекади. Нима бўлганда ҳам тамакидан атроф-муҳитга таралаётган заҳарли тутунни, унинг инсон саломатлигига салбий таъсирини маъқуллаб бўлмайди. Бироқ чекувчиликнинг оқибатлари фақат шу билангина кифояланмайди. Яъни айнан чекиш туфайли катта ёнғинлар, фожеалар, жиддий талофотлар юз бермоқда.

Жорий йилнинг 9 июнь куни Сергели туманида жойлашган "САР" авиакомпаниясининг сомолёт қўниш йўлаги атрофидаги 800 квадрат метр майдонда ёнғин содир бўлган. Бунга сегарет қолдиғидаги заррадек чўғдан майдондаги қуриган ўтларнинг ёниб кетиши сабаб бўлган.

Ҳамза туманидаги Боткина қабристонида ҳам ана шундай ҳолат юз берди. Марҳумлар руҳини шод этиш ниятида қабристонга келганлардан бири шундай масканда ҳам чекиш одатини канда қилмайди. Чекиб бўлгач, чўғли сегарет қолдиғини қабр устидаги қуриган ўт-ўланлар устига ташлаб кетади. Бунинг оқибатида қабристондаги 600 квадрат метр майдонда катта ёнғин содир бўлади.

Маълумки, кўпчилик кашандалар ўзлари билан ёндирувчи мослама (зажигалка) олиб юришни маъқул кўрадилар. Бундай кичик ёндирувчи мослама эса болажонлар учун қизиқарли эрмак бўлиши мумкин. Яқинда Миробод тумани Файзиобод кўчасида истиқомат қилувчи 13 ёшли Бахтиёрнинг шўхлиги хонадонга катта талофат келтирди. У диванда ёндирувчи мосламани ўчириб-ёндириб ўтириб тепасида турган дарпардага олов бериб юборади. Ўт кетган пардани тезлик билан узиб ташлашга имкон бўлмайди. Ёнғин оқибатида 120 квадрат метр майдонда хонадон жиҳозлари ва уйнинг том қисми ёниб кетади.

Кўпчилигимиз ёнғинни нималар келтириб чиқариши, ундан сақланиш учун нималар қилиш зарурлигини яхши биламиз. Бироқ бу қоидаларга амал қилишда лоқайдликка бериламиз. Унинг оқибатларини жиддий ўйлаб сергак тортишга ожизлик қиламиз. Фожеанинг ибтидоси— мана шунда. Зеро эртага сизнинг хонадонингизда ҳам бундай ноҳуш ҳолатлар юз бермаслигини истасангиз, доимо эътиборли ва огоҳ бўлиб яшанг, азиз юртдошлар.

Хуршид РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бўлими 1-ХЁХ алоҳида пост кичик инспектори, катта лейтенант.

МУҲАББИМЛАР ТАЛЪИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Яқин кунларнинг сиз учун қай тарзда ўтиши атрофингиздаги кишилар билан муносабатингизга боғлиқ бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)
Ўзингизга нисбатан ортиқча ишончингиз жума кунги режаларингизнинг амалга ошишига тўсқинлик қилишидан эҳтиёт бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз ва яқинларингиз манфаатлари учун бағишласангиз, ҳамжиҳатлик қудратини сезасиз.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Яқин кунларда муаммо ва камчиликларни ўз салоҳиятингизга ишонган ҳолда бемаслаҳат ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Келгусида молиявий муаммоларга дуч келмаслик учун шу кунлардаги сарф-харажатларни назорат қилишни унутманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Турли муаммоларда яхши натижаларга эришиш мақсадида ҳаётингизга янгилик ва ўзгаришлар киритишингизга тўғри келади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда юмушларингиз муаммолар юзага келтирмаган ҳолда тезгина ҳал бўлади. Музокараларингиз ҳам омадли кечади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ушалмас орзу ва ҳаётий режаларни бир-биридан қанчалик фарқлай олсангиз, ишларингиз сиз учун шунчалик омадли ва самарали кечади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ёши улуғ ва ақлли кишиларнинг маслаҳатларига амал қилишингиз барча ишларда сизга қўл келиши шубҳасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунлар сиз учун самарали, омадли ўтади. Ҳаттоки, амалга ошмай юрган орзуингизнинг ушалиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳаёлпарастликдан қутилиш пайти етди. Фаолиятингизда ортирган билимни амалда қўллашни бошлайверинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Ижодий ҳамкорлар ва яқин кишингиз билан муносабатларда ўз манфаатингизни юқори қўймасликка ҳаракат қилинг.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Турция ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ЧФ "HASAN-HUSAN TAOMLARI" Яккасарайского района г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации по тел: 53-02-50.

Утеренную круглую печать и угловой штамп ООО "O'zingni angla" РХКМ" Чиланзарского района считать недействительным.

Шайхонтоҳур туманидаги "Исроилов Абдумажид Абдураҳимович" хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисоблансин.

Утерянный гос. ордер 10-01/21515 выданный 21.02.94 г. на имя Олин Юрий Степановича о праве собственности считать недействительным.

Х.СОДИҚОВ чизган расм.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Учтепа (собиқ Акмал Икромов) туманидан рўйхатдан ўтган "DIAMOND STAD" МЧЖ (ОКПО 19597928 ОКОНХ 61110) тугатилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан 2 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Зиё Саид кўчаси, 259-уй.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7215 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-824 Топширилди —
1 2 3 4 5